

Хар бир сафдошимиз

партия ишига ҳисса қўшмоқда

Таҳлил

Доимий аънанага кўра, декабрнинг сўнгги кунларида жойларда йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлиliga бағишланган йиғилишлар ўтказилади. Бунда, биринчи навбатда, қўлга киритилган ютуқлар атрофида таҳлил этилади, тўпланган тажриба умумлаштирилади. Чунки бу борада чиқарилган ҳулосалар келгуси фаолиятда қўл келади. Албатта, айрим йўл қўйилган камчиликлар ҳам четлаб ўтилмайди. Қолаверса, ҳали фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш тўғрисида ҳам фикр юритилади. Мақсад — фаолиятни такомиллаштириш экан, бу омилларнинг ҳар бири янги, янада юқори марраларни эгаллаш йўлидаги қадам бўлиши турган гап.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг 2015 йилда ўтказилган сўнгги мажлисида айнан мана шу каби масалалар ҳақида фикр юритилди. Кенгаш томонидан тайёрланган маърузада йил давомида олиб борилган ишлар батафсил ёритилди. Айни пайтда шаҳар партия ташкилоти фаолиятига доир видеофильм ва слайдлар ҳам намойиш этилди. Шаҳар партия ташкилоти фаолиятига доир мазкур ўзига хос солномада "адолатчи"лар ташкил этган тадбирлар, улар иштирокида ўтказилган йиғилишлар ва анжуманлар ўз аксини топган. Қатор бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Ҳар бир тасвирда нафақат шаҳар кенгаши, балки БПТ ва фаолларнинг фидойилик қўрсатиб қилган меҳнати муҳрланган.

Эришилган натижалар ичида энг салмоклиси, албатта, масалаларимиз сафи янада кенгайганлигидир, — дейди шаҳар партия кенгашининг раиси Рустам Икромов. — Умуман айтганда, ҳозирга келиб вилоятимизда партиядошларимиз сони саккиз минг кишидан ошди. Бу миқдорнинг бешдан бир қисмидан кўпроги шаҳар ҳиссасига тўғри келади. Аъзолар бадаллари тўплаш бўйича ҳам юқори натижаларга эришилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси ўрин-

босари Исроиил Жўраевнинг айтишича, Наманган шаҳар партия ташкилоти қўлга киритилган ютуқларда ишга ижодий ёндашув муваффақият омил бўлаётди. Аъзолар сарфини кенгайтиришда тарғибот-ташвиқот ишларининг изчил ва тизимли олиб борилаётганини ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ҳисоботларга назар ташласак, бугунги кунга келиб, вилоят марказидаги "Адолат" СДП аъзолари сони 363 нафарга ошди, жами қарийб 1650 нафарни ташкил этаётганини кўрамиз.

Яна бир жиҳати, сафларимиз меҳнат жамоасида ўз мавқеи, одамлар ўртасида обрў-этиборга ҳамда юқори инсоний фазилатларга эга янги аъзолар билан тўлмоқда. Масалан, Наманган олимпия захиралари коллежида бугунги кунда эллик нафарга яқин аъзолар бор. Улардан бири — Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Кумуш Хўжаева. У мамлакатимиз миқёсидагина эмас, балки халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижалар билан таъинланган спортчи, ҳозиргача турли беллашуларда йигирмата медални қўлга киритган. Шундан ўн иккитаси олтин. Кумуш "Адолат" СДПга аъзо бўлганидан сўнг у билан бирга ўқийдиган ўқувчилардан яна ўн нафари партия аъзоси бўлди.

Ёки ушбу коллеж ўқитувчиси Феруза Баходировани олайлик. У ҳам фаол сафдош-



ларимиздан. Яқинда бўлиб ўтган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Мана шу воқеа ҳам коллежда партиядошларимиз кўпайишига ижобий таъсир қўрсатди.

Шаҳар партия ташкилоти кўрсаткичлари юқори бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган бошланғич партия ташкилотлари сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Улардан бири "Техностандарт" қўшимча масъулиятли жамиятда фаолият олиб боради. Бу ердаги масалаларимиз сафи ҳар йили 10-15 кишига кўпаяди. Улар ўртасида турли сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказиш доимо диққат марказида бўлиб келмоқда. Акмал Хўсанов раҳбарлик қилаётган ушбу БПТ 2014 йил якунига биноан, энг ибратли бошланғич партия ташкилотлари қаторида эътироф этилганлиги ва муносиб рағбатлантирилгани ҳаммамизнинг ёдимизда.

"Наманган тўқимачи" МЧЖ-да сафдошларимизга тажрибали мутахассис, ташкилотчи ва фаол жамоатчи партиядошимиз Илҳомжон Сатторов етакчилик қилади. Ҳозирда бу корхонада "Адолат" СДП аъзолари сони икки юз кишидан ошди кетди. Уларнинг

аксарияти ишлаб чиқаришда илғор, жамоатчилик фаолиятида ҳам намуна кўрсатиб келадилар. Шунинг учун ҳам бир пайтлар банкрот деб топилган корхона эндиликда намунали фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар партия ташкилоти кейинги икки йил мобайнида бевосита аҳоли истиқомат қилаётган жойлар — маҳалларда партиявий ишларни тубдан кучайтирмоқда. Масалан, "Гулбоғ" МФЙда Тўхтадин Каримов раҳбарлигидаги БПТни олайлик. Дастлаб бу ерда бор-йўғи ўн нафар партия аъзоси бор эди. Ҳозир эса улар сони етмиш кишига яқинлашиб қолди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП шаҳар ташкилоти етакчиси, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Рустам Икромовнинг айтишича, 2016 йил учун ҳам катта режалар белгиланган. Масалан, партиядошларимиз сони икки минг нафардан ошириш мўлжалланган. Янги-янги бошланғич партия ташкилотлари иш бошлаяпти. Бошқа йўналишларда ҳам янги марралар кўзда тутилмоқда. Бунинг учун, албатта, ташкилий-партиявий ишлар самарадорлиги янада оширилади, партия голяри ва дастури тарғиботи юқори босқичга кўтарилади. Шу билан бирга, бошланғич ташкилотлар фаолияти янада такомиллаштирилади. Зеро, ҳар бир сафдошимиз партия ишига ўз ҳиссасини қўшишни астойдил мақсад қилган.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"Адолат" мухбири

Партиядошларимиз ибрати

Андижон вилоятида енгил саноат йилдан-йилга ривожланиб, вилоят иқтисодиётининг мустаҳкамланишида катта ўрин эгалламоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари томонидан "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди остида тайёрланаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан бир вақтда экспорт қўлами ҳам кенгайиб бораётгани эътиборли.

Болалар учун спорт кийимлари

Бир гуруҳ партиядошларимиз меҳнат қилаётган Қўргонтепа туманидаги "Универсал Белла" масъулиятли чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, 2009 йилда 5 нафар чевар иш билан таъминланиб, икки хил трикотаж буюмлари тайёрланарди. Бугунги кунга келиб, ишловчилар сони 60 нафарга етди. Малакали модельерлар ва дизайнерларнинг жамоа са-



фага қўшилиши иш унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига ўз таъсирини қўрсатди. Бозор талабидан келиб чиқиб, янги турдаги трикотаж буюмлари билан бирга болалар учун спорт кийимлари ҳам тайёрлана бошланди. Дастлабки буюртмачилар маҳаллий савдо корхоналари ва таълим муассасалари бўлди.

Пахта толасидан тайёрланган истеъмол товарлари ўз табиийлиги ва юқори сифати билан ажралиб туради. Ҳар ойда ўртача 60-65 миллион сўмлик маҳсулоти сотишга эришилмоқда.

Албатта, корхона истиқболлини замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, 2014 йилда жамоанинг ўз маблаг ва "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан берилган 300 миллион сўм кредит эвазига 40 та янги тикув машинаси харид қилинди. Бу билан ишлаб чиқариш қўлами янада кенгайиб, катта ҳажмдаги буюртмаларни қисқа муддатда бажариш имконияти яратилди.

Тумандаги тадбиркорлар орасида партиядошларимиз кўпчилики ташкил этади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Қўргонтепа туман кенгаши раиси Фотимахон Сиддиқова. — Ташаббускор сафдошларимиз аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири
Хурсандбек АРАББОВ
олган сурат

Депутатлик гуруҳларида

Халқ депутатлари Кегейли туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасидаги ишларга катта эътибор қаратиб келмоқда. Фуқароларнинг муурожаатларида келтирилган масалаларга ўз вақтида ечим топиш муҳим вазифалар сирасида ҳал этилмоқда.

Сув билан таъминлаш масаласи ҳал этилди

Хусусан, депутатлик гуруҳи аъзоларининг жойларда ўтказилаётган учрашувлари доирасида ҳам фуқаролар томонидан билдирилган турли мавзудаги муурожаатлар асосида мавжуд муаммоларнинг ижобий ечим топишига эришилмоқда.

Кегейли тумани 11-сонли «Кўк-ўзақ» сайлов округидан депутат Қайратдин Бегжановга округ ҳудудидаги «Жалпақ-жап» қишлоқ фуқаролар йиғини «Айтеке» элатли пункти аҳолиси томонидан ҳудудда янгидан озиқ-овқат дўкони бунёд этиш тўғрисидаги масала ўртага ташланган эди. Мазкур масала юзасидан Кегейли нон-савдо масъулиятли чекланган жамиятига юборилган депутатлик сўрови тез орада ижобий ҳал этилди. Аҳоли эҳтиёжлари учун бу ерда янги озиқ-овқат дўкони қуриб берилди, айни пайтда қишлоқ аҳлига намунали савдо хизмати кўрсатилмоқда.

Шунингдек, ушбу «Жалпақ-жап» қишлоқ фуқаролар йиғини «Аралбай» элатли пункти аҳолиси томонидан билдирилган муурожаат асосида қишлоқ фуқароларининг томорқа ерларини сув билан таъминлаш масаласи юзасидан ҳам амалий ишлар қилинди. Қайратдин Бегжановнинг Қорақалпоқ насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасига киритган депутатлик сўровига жавобан зарур чора-тадбирлар кўрилиб, «Кувонч-жарма» каналига НДН-20 русумли сув етказувчи насос қуриб берилди. Депутатларнинг фаровонликка хизмат қилувчи бундай фойдали ишларидан барча мамнун. Зеро, ҳаёт манбаи ва бебахо неъмат бўлган сув томорқаларда етиштирилаётган экинларни яшнатади, рўзгорга баракка қиради.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Давра сўхбати

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлинмаси, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши ва Ғузор тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ўрни ва роли" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлари, БПТ раислари, партия фаоллари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, тумандаги 20 дан ортик маҳаллалар фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Ошқоралик депутат фаолиятининг бош мезонларидан биридир, — деди вилоят партия кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов. — Депутат энг аввало, мамлакатимиздаги ислохотлар жараёни, ички ва ташқи сиёсатимиз мазмун-моҳиятини чуқур англаши ва аҳолига таъсирчан тарғибот олиб бориш қобилиятига эга бўлиши даркор. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳудудлардаги ижтимоий-иқти-

Бурч ва масъулият

тон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонуни ижроси юзасидан ҳудудларда амалга оширилган ишлари ҳақида тўхтади.

— Иш режамга асосан фуқароларни ҳафтанинг чоршанба кунини "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини биносидан қабул қиламан, — деди Нодира Рўяпова. — Ўтган йили фуқаролардан 50 га яқин оғзаки ва ёзма муурожаат бўлди. Улар орасида тадбиркорларимиз томонидан йўлланган шикоятлар ҳам бор. Шунингдек, тумандаги "Чуқур" қишлоғи маҳаллалари ички йўлларидаги носозликлар хусусида ҳам фуқаролар муурожаат қилишган эди. Ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан тумандаги мутасадди идорага депутатлик сўрови билан чиқдим. Айни пайтда туман йўл қурилиш ташкилоти томонидан қишлоқ йўллари таъмирланаёпти. Бундан ташқари, шу йилнинг апрель ойида партиянинг туман кенгаши билан ҳамкорликда "Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси" шўъба корхонаси қошида жамоатчилик асосида ишлайдиган ҳуқуқий маслаҳатхона очган эдик. Бугунги кунга келиб ҳуқуқий маслаҳатхонамизга муурожаатлар сони кўпаймоқда. 160 нафарга яқин фуқаро маслаҳатхонамизда

бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Улар уй-жой, мол-мулкка эгаллик, тадбиркорлик фаолияти каби соҳалардаги айрим муаммолар билан бирга маҳаллалар ободончилиги, ижтимоий таъминот, иш билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам муурожаат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, аҳолидан тушаётган турли мазмундаги оғзаки ва ёзма муурожаатлар чуқур таҳлил қилиниб, уларга ижобий ечим топиш мақсадида зарур ҳолларда мутасадди идораларга депутатлик сўровини юбораямиз.

Тадбир иштирокчилари Ғузор тумани ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Баходир Неъматов, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Маҳфуза Ўтаева ва Отабек Бозоровларнинг маърузаларини ҳам тингладилар.

Эътироф этилиди, маҳаллий вакиллик органларидаги

партия гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантиришининг ижтимоий-иқтисодий масалаларини сифатли ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолияти мазмун-моҳиятига таъсири сезиларли равишда ортиб бораёпти. Партия депутатлик гуруҳларининг аҳоли муурожаатлари бўйича ишда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Бироқ шунга қарамай, партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичи талабларига ҳар доим ҳам жавоб бермаётгани қайд этилди. Хусусан, тадбир иштирокчилари жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, уларни очиқ-ошкоро муҳокама этишга тўқсинлик қилаётган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар тарзида ўтган тадбирда партия депутатлик гуруҳи аъзолари ўз депутатлик сўрови ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда янада фаол бўлиши, фуқароларнинг муурожаатларида келтирилган муаммоларни ҳар томонлама ўрганиши, уларга амалий ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳат бериб боришлари ҳақида алоҳида таъкидланди.

Комил САХАТОВ,
"Адолат" мухбири

Болалар қувончи бир олам


“Президент арчаси” тантаналари давом этмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва санъат саройларида болажонлар учун Янги йил байрами тадбирлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказилмоқда.

Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги томошалар юртимиз болалари онг-шуурига Ватанга муҳаббат, катталарга хурмат кўрсатиш, дўстлик, тинчлик ва осойишталикни қадрлаш сингари эзгу фазилатларни сингдиришга хизмат қилмоқда.

Ҳар йили янги йил арафасида ва йил бошида “Президент арчаси” тантаналари янги йилнинг болалар учун беғубор орзу-умидлар байрамга айланишига сабаб бўла-



бўлган болалар меҳмон бўлиб қайтишди.

— Иккон қадар кўпроқ болалар “Президент арчаси” тантанали дастурида иштирок этиши заруратини инобатга олиб, улар учун бағишланган байрам репертуаримизни бир кунда уч маротаба ҳавола этишга қарор қил-

этилаётган шоу дастурлар, сахналаштирилаётган эртақлар, болалар учун ташкиллаштирилган ўйинларнинг савияси, қолаверса, сахна безакларининг чиройи ортиб бораётганини кўраётимиз. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси нафақат ўғлим Ферузбекнинг, балки биз, катталарнинг ҳам ҳайратимизни ошираяпти. Президентимиз раҳнамолигида биз, она ва болалар учун яратилаётган шароитлар, тадбирлар



ди. Ушбу тантана доирасида ташкил этиладиган байрам дастурлари, бадий ва мусиқий чиқишлар ҳамда Президентимиз совгалари кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшади.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида ўтказилган “Президент арчаси” да, биринчи навбатда, республикамиздаги Меҳрибонлик ва Муруват уйлари ўғил-қизлари, “SOS — болалар маҳаллари” тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум

дик, — дейди “Туркистон” саройи директори муовини Азиз Бердиев. — Қишки залимиз 900 га яқин ўриндиққа эга бўлиб, болажонлар ва катталарнинг маънавий ҳордик чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Улар учун тақдим этилаётган театрлаштирилган томошаларимизда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимиз ҳаётидаги янгилик ва ўзгаришлар, соғлом бола тарбияси йўлида амалга оширилаётган иш-



А.Абдуллаев (Уш) олган суратлар

лар ўз ифодасини топмоқда.


Томошалардан сўнг болажонларга Президентимизнинг Янги йил совгалари кўтаринки кайфиятда топширилмоқда.

— Ҳар йили фарзандимни “Президент арчаси”га олиб келишга одатланганман. — дейди Гулмира Охунова. — Йилдан-йилга ушбу тантанали байрам дастури, тақдим

бутун Ўзбекистон халқига бўлган эътиборни ўзида ифода этади десам, янглишмасам керак.

“Президент арчаси” байрам дастурлари жорий йилнинг 5 январига давом этиши режалаштирилган.

Саодат ЖАББОРОВА,
«Adolat» мухбири



ИНСОН
МАЎФААТЛАРИ
ЭНГ ОЛИЙ
КАДРИЯТ!

Депутат ташаббуси

30-“Еттичирок” сайлов округидан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутатлигига сайланган Маданбек Қурбоновни маҳаллий аҳоли ташаббускор тадбиркор сифатида яхши билади. Бундан беш йил аввал Хўжаобод туманида у ташкил этган “Dolinateх” корхонаси бугунги кунда ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқда.

Кексалар меҳр оғушида

Шу билан биргаликда Маданбекнинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатидаги фаолияти ҳам самарали кечяпти. Ҳудуддаги мавжуд муаммоларга доир қатор амалий тақлифларни депутат ижобий ҳал этишга эришмоқда. Сайловчилардан тушган аризалар асосида депутатлик сўрови ўтказиб, муаммоларнинг ечимини топмоқда. Жумладан, унинг сай-ҳаракати билан туман марказидаги савдо дўконларига электр манбаи етказиб берувчи носоз трансформатор тегишли ташкилот орқали тўлиқ таъмирдан чикартириб берилди. 28-умумтаълим мактаби тоза ичимлик сувига эга бўлди. Туман ДСЭНМ томонидан аниқланган бир қатор камчиликлар бўйича “Ипакчи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги вақтинча ёпиб қўйилган ҚВПга ҳомийлар беминнат кўмак бериб, камчиликлар бартараф этилди.

Ўз сайловчилари билан яқин алоқа боғлаган Маданбек Қурбонов улар билан тез-тез учрашиб туришга одатланган. Қизғин баҳс, мунозара ва саволларга бой бўлиб, ўзига хос мулоқотга айланаётган бундай учрашувлар сайловчига ҳам, депутатга ҳам наф келтирмоқда. Кўпчиликни қизиқтираётган масалалардан огоҳ бўлган депутат ўз фаолиятида янги вазифаларни белгилаб, сайлов округи ҳудудда юзага келган айрим муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилаяпти.

Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати Маданбек Қурбонов Янги йил байрами арафасида яна бир хайрли ишга қўл урди.

У сайлов округи ҳудудида истикомат қилаётган 77 нафар ёши улуг отахону онахонларни, ногиронларни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Ҳар бир қария тадбир ҳомийларидан байрам совгаларини қабул қилиб олар экан, инсонпарвар жамиятимизда эъзозу эътиборда яшаётганлигидан мамнун бўлди. Айниқса, бутун йил давомида кексаларнинг эъзозланиб, уларга кўрсатилган бекиёс гаҳурликлар ёши улуг отахону онахонларни қувонтирди. Қариялар, ёлғиз кексалар, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-оқибат, хайру саховат кўрсатиш ишларидан химмати баланд юртдошларимиз ҳам четда қолишмади. Кексалар гаштини сураётган нуруний отахону онахонларга бахтли кудрат ёрдам беришди. Бу ҳол қарияларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Демак, ёши улуг инсонларни эъзозлаш бизнинг азалий қадриятларимиздан эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

— Мен 79 ёшга кирдим, ҳаётнинг паст-баландини кўрдим, — дейди “Мустаҳкам” МФИда яшовчи Муяссархон ая Ражабова. — Одамларга эрк, хурлик берган истиклол шарофати ила шундай шуқуҳли кунларга етишдик. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз буюк яратувчанлик ишлари билан машғул. Озод ва обод юртимизнинг бугунги бетакрор кифоаси ҳар биримизни қувонтиради. Халқимиз бахту саодатини кўзлаб оқилона сиёсат юритаётган, юртдошларимизни буюк яратувчанлик ишларига сафарбар этган Юртбошимиз раҳнамолигида юксак марраларга эришяпмиз. Атрофимизда

меҳри дарё одамлар кўп. Улар турли байрамларда биз, қарияларни йўқлаб туришади. Бугун Маданбек билан бир пиёла чай устида гурунглашдик. Кўнглимизда анча гаплар йиғилиб қолган экан, депутат билан баҳам кўрдик. Қарилар ҳам асли улуг бир неъмат. Бизга шундай гаҳмўрлик кўрсатаётган, қариган чоғимизда ҳам ёлғизлашиб қўймаган юртдошларимиздан мамнунмиз.

“Сўқолок” МФИда яшовчи 91 ёшли Ортиқбой ота Ўринбоевнинг ҳам ўз айтар сўзлари бор.

— Қанчадан-қанча юртдошларимизнинг ёстигини қуритган Иккинчи жаҳон урушида қатнашганман, — дейди у. — Бугун дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, террорчиларнинг гайринисоний жиноятлари ҳақида эшитиб, нафратланиб кетаман. Нима этишмайди уларга? Ахир уруш инсониятга фақат қулфат келтиради-ку? Урушнинг номи ўнсин, ҳеч қим ундан азият чекмасин. Мустақиллик турфаили, Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат шарофати билан, шуқри, тинч ва осойишта турмуш кечиряпмиз. Шунинг ўзи биз учун улкан бахтидир.

Кўнгли кўнгила йўл очар деганларидек, депутатнинг қариялар билан суҳбати қизиқариб кетди. Улар юрагидagi гапларни Маданбек билан баҳам кўрдилар. Қўлларини дуога очиб, янги йилда барча юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва омад ёр бўлишини тилашди.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

Конституция — адолат мезони

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши ташкилотчилигида “Конституция менинг тақдиримда” мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Партиянинг “Конституция — адолат мезони” лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда мазкур филиал ҳамда Урганч давлат университети ўқитувчи ва талабалари, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутатлари, партия фаоллари “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Комилжон Рўзметов ўз сўзида Асосий қонунимизнинг инсонпарвар ва ҳаётбахш мазмун-моҳияти, унинг халқимиз ҳаётида тутган бекиёс ўрни, фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг Бош қомусимизда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида батафсил тўхтади. Тадбирда Асосий қонунимизнинг халқчил моҳияти аҳолининг кенг қатлами ўртасида янада самарали тарғиб этилаётгани қайд қилинди. Партиямиз-

нинг Сайловолди дастурида илгари сурилган қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик, инсон маънафатларининг олий қадрият эканлиги каби гоғлар Конституциямиз тамойилларига ҳамоханлиги таъкидланди.

Иштирокчиларнинг “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати”, “Бош қомусимиз — оила мустаҳкамлиги пойдевори”, “Ҳуқуқий тарбия ва жамиятда қонун устуворлигининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари” каби мавзулардаги фикр-мулоҳазалари, таҳлилий мушоҳадалари йиғилганлар диққатини жалб этди.

— Бундай тадбирлар биз, ёшларни ҳуқуқ ва бурчларимиз ҳамда мажбуриятларимизни янада теран англашимизга, сиёсий ва ижтимоий фаоллигимизни ошириш, маънавиятимизни бойитишга кўмаклашади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси, “Ёш адолатчи”лар қаноти фаоли Дос-тон Қурбонбоев. — Бўлғуси шифокорларимиз, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида, аввало, тиббиёт ходимлари масъул эканлигини назарда тутиб, инсон ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган тиббиёт сир-асрорларини пухта эгаллашимиз шарт, деб биламиз ва шунга интилоқдамиз. Партияимизнинг бу борадаги дастурий мақсад ва вазифалари ҳам шифокорлик касбинин танлаган ҳар бир сафдошимизда инсон саломатлиги учун жавобгарлик ҳиссисини янада кучайтиради.

Учрашувда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

«Агробанк» АТБ Жиззах туман бўлими Жамоаси

барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этади.

Бунёдкор халқимизга 2016 йил — Соғлом она ва бола йилида юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳаминша мусаффо бўлсин!

Бахт менинг юртимдадир...

➤ 14 январь —

Ватан ҳимоячилари кун

Мустақил Ватанимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ ёшларнинг энг эзгу орзусига айланди. Бугун армияда ўз бурчини ўтаётган йигитлар тенгқурларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётир, десак янглишмаймиз.

Оддий аскар Хусан Абдурасулов ҳам ана шундай алп йигитлардан. Асли Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Тўйтепа шаҳарчасида туғилган бу йигит айна кунда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида йигитлик бурчини ўтамоқда. Табиатан очикқўнгил, тўғрисўз Хусан билан суҳбатлашар эканмиз, унинг кўп қиррали инсон эканлигини англадик. Яъни, Хусан-жон жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларида фаоллиги билан бирга, яхшигина шеър ёза олиш қобилиятига ҳам эга экан. Суҳбат жараёнида унинг кўп китоб мутолаа қилиши, дунёқарашининг кенглиги, фикрларининг теранлигини билиб олдик.

— Оилада кенжа фарзандман. Шу боис ота-онанинг мендан умиди катта. Илгари уларнинг ишончини оқлаш, эл-юрт олдида юзларини ёруғ қилишни ўйлардим. Энди эса

аввало халқимнинг, она Ватанимнинг ишончини, менга берган нон-тузини оқлашга ҳаракат қиламан. Чунки, инсон улғайган сари ундаги ис-так ҳам каттариб, улуғ мақсадларга эврилиб бораверар экан. Болалигимдан ҳарбий бўлишни ният қилган бўлсам, мана бугун бунинг илк мева-сини кўриб турибсиз. Яъни, мен армияга келиб, келажакдаги орзуларимга бир қадр яқинлашдим. Эгнимга ҳарбий либос кийдим ва унинг масъулиятини юракдан ҳис этдим.

Ҳозир мен хизмат қилаётган қисмда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар кишида ҳавас уйғотади. Яқинда ота-онам, яқинларим келиб, бунга гувоҳ бўлишди. Ётоқхона, спорт майдончаси ва тренажери, машғулотлар ўтказиладиган ўқув хоналари замон талаб-ларига жавоб беради.

Хусанжонга «Бахт деганда нимани тушунаси?» деб савол бердим. У бироз жим турди-да, кейин жавоб қайтарди:



— Қаранг, ҳар тонг давлатимиз мадҳияси янграйди. Юртимизда тинчлик ҳукмрон. Ватан сарҳадларида дили гурур ва ифтихорга, жисми мардлик ва садоқатга лим-лим йигитлар кечаю кундуз посбонлик қилишмоқда. Ахир шу эмасми сиз айтган Бахт! Бир ривоятда айтилишича, «Ер юзида энг бой ва тинч ер қайси?» деб сўралганда, донишмандлардан бири «Бундай макон дарахт-

лари эгилиб мева солган, одамлари ўзларидан орттириб, савоб илинжида ўзгаларга ҳам яхшилик қилган юртдир», деб жавоб берган экан. Шундан ҳам кўринадики, бизнинг диёримиз чиндан ҳам энг бой ва тинч юртдир. Буни қадрламоқ, асрамоқ керак.

Биз хайрлашиш асносида ундан ёзган шеърларидан бирини ўқиб беришни сўрадик.

— *Кучга тўлган ўғлонлар,
Ал қоматли, полвонлар.
Мард ва жасур сарбонлар,
Эл ишонган ҳарбийлар!
Сиз билан юрт омондир,
Илқингиз ўқ-қомондир,
Ким ёлғашса ёмондир,
Дўстга дўстдир ҳарбийлар!*

Наргиза АСАДОВА,
журналист

➤ Янгилик

Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти тасдиқланди.

Расмий ҳужжатлар

коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги буйруғига асосан, коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органларининг ваколатли ходимлари республикамизда қабул қилиниши режалаштирилган қонунлар, қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бир сўз билан айтганда, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибига солинади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — www.lex.uz да эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» да нашр этилган буйруққа қилинган иловада баён этилишича, коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш қонунийлик, холислик, мустақиллик, ҳуқуқни қўллаш, нормаларнинг шаффофлиги ва барқарор-

лиги таъминлашига асосланади. Ушбу экспертизанинг асосий вазифалари лойиҳаларда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият яратувчи коррупциявий омилларни аниқлаш, бу борада ҳуқуқбузарликлар содир этиш мумкинлигига доир қисми бўйича лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашдан иборат. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупцион тусдаги хавфларнинг вужудга келиши имкониятларини прогноزلаштириш ҳамда лойиҳаларда коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда уларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш ва чораларни кўриш коррупцияга қарши экспертизанинг вазифаси сирасига киради.

Бу турдаги экспертиза ўтказилаётганда адлия органлари ходими ҳам расмий, ҳам норасмий ахборотдан фойдаланиши мумкинлиги белгиланди.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

➤ Божхона бекати

Янги йил байрами арафасида Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги пиротехника воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Пиротехника воситалари

олиб қўйилди



Жумладан, Қарши шаҳрида фуқаро Д.Рашидованинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) хонадон амалдаги тартибларга мувофиқ холислар иштирокида кўздан кечирилганда, бу ерда хорижда ишлаб чиқарилган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган қиймати 8,6 миллион сўмдан ортиқ 172,8 минг дона пиротехника воситалари яширин равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, Қарши шаҳрида фуқаро Ш.Парпиевнинг хонадони ҳам амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, бу ерда 17 дона қозғоқ қутиларида қиймати 20 миллион сўмдан ортиқ 2 турдаги 100 минг дона пиротехника воситалари ҳовлидаги гўзапоа уюмлари остида ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош қилинди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 11 та божхона қоидабузарликларидан қиймати 42,6 миллион сўмлик 945 минг донадан ортиқ пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Шунингдек, 2015 йилнинг 11 декабрь кунини Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотлар асосида фуқаро А.Қутлымуратовга тегишли гараж холислар иштирокида кўздан кечирилганда, бу ерда қиймати 23,5 миллион сўмлик оғирлиги 56 килограмдан ортиқ 5526 дона пиротехника воситалари ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақланаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2015 йил 22 декабрь кунини Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида «Алматы-Нукус» йўналишидаги поездининг йўловчиси, қўшни давлат фуқароси М.Алимжонов пиротехника воситаларини шерикларига қулай тарзда етказиш учун қиймати 10 миллион сўмлик 19,5 килограмм оғирлиқда 25 минг дона пиротехника воситаларини Нукус шаҳри ҳудудидан вагондан улоқтириб юборгани аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Қашқадарё вилояти ва
Қорақалпоғистон Республикаси
божхона бошқармаси ахборот хизмати

Бунёдкорлик кўлами

Кенгаймоқда

Янги йил арафасида Тошкент вилояти божхона бошқармаси «Янгийўл» ташқи иқтисодий фаолият божхона постининг, Қорақалпоғистон Республикасида эса «Давут ота» чегара-божхона постининг янги бинолари, шунингдек, «Давут ота» постида хизмат қилаётган божхоначиларнинг оилалари учун ушбу ҳудудда бунёд этилган янги хизмат уйининг тантанали очилиш маросимлари ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган тадбирда Жўрғи Кенгес раиси М.Ерниязов, Давлат божхона кўмитаси масъул ходимлари сўзга чиқиб, юртимиз мустақилликка эришган илк кунларданок Президентимиз раҳнамолигида божхона хизмати тизимида ҳам изчил қишлоқлар амалга оширилиб, натижада соҳа фаолияти такомиллашиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётганига алоҳида урғу беришди.

Дарҳақиқат, халқимиз тинчлиги ва мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган божхоначилар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг мустаҳкам ҳимояси ва қўриқланишини, «Давут ота» чегара божхона пости орқали ҳаракатланаётган йўловчилар, транспорт воситалари ва юклар устидан самарали божхона, чегара ва бошқа назорат турларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон миллий автомагистрал таркибига кирувчи халқаро А-380 автомагистралнинг туризм ва транзит салоҳияти ривожланишини тезлаштириш мақсадида «Давут ота» чегара божхона постида 2013-2015 йиллар мобайнида кенгайтириш ва қайта қуриш бўйича кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳаракатланаётган йўловчиларга ҳамда хизмат олиб бораётган ходимларга барча қулайликлар яратилди.

«Когоннефтгазэнергосер-

вис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан таъмирланган иншоот замонавий назорат қурилмалари билан тўлиқ жиҳозланди.

— Бу ерда божхоначилар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси катта инспектори Полвон Манғитов. — Енгил ва юк автомобилларини сканер қилувчи назорат қурилмалари ўрнатилди, божхона хизмати фаолиятини янада такомиллаштирилди.

Сахро ўртасида қад кўтарган янги хизмат уйининг фойдаланишга топширилиши эса Қорақалпоғистон Республикаси божхоначилари учун ўзига хос байрам тўхфаси бўлди. 32 хонадондан иборат мазкур 2 қаватли уй услуби ва замонавийлиги, яратилган шарт-шароитлари жиҳатидан ҳам таҳсинга сазовордир. Бу ерда 7,2 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг шимол-ғарб қисмида, сахаро ўртасида барпо этилган «Давут ота» чегара божхона пости ҳамда янги уй биноси Устюрт платосига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Тошкент вилояти Чиноз туманида жойлашган «Янгийўл» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости янги замонавий биносининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда Тошкент вилояти божхона бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Я.Мирзарахимов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори тизим фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юксак эътибор намунаси сифатида бунёд этилган «Янгийўл» ТИФ божхона постида божхоначиларнинг самарали



хизмат кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерда божхона расмийлаштируви ва божхона кўригини амалга

шароитлари учун шимол-ғарб қисмида, сахаро ўртасида барпо этилган «Давут ота» чегара божхона пости ҳамда янги уй биноси Устюрт платосига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Тадбирни Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Я.Мирзарахимов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори тизим фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юксак эътибор намунаси сифатида бунёд этилган «Янгийўл» ТИФ божхона постида божхоначиларнинг самарали

хизмат кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерда божхона расмийлаштируви ва божхона кўригини амалга

шароитлари учун шимол-ғарб қисмида, сахаро ўртасида барпо этилган «Давут ота» чегара божхона пости ҳамда янги уй биноси Устюрт платосига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Тадбирни Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Я.Мирзарахимов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори тизим фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юксак эътибор намунаси сифатида бунёд этилган «Янгийўл» ТИФ божхона постида божхоначиларнинг самарали

Давлат божхона кўмитаси
ахборот хизмати

ЯНГИ ЙИЛ

байрамнинг кўҳна тарихи

XXI асрнинг ўн олтинчи йилига ҳам етиб келдик ва уни байрам сифатида нишонламоқдамиз. Ёшимизга яна бир ёш қўшилди, сана ўзгарди... Хеч ўйлаб кўрганмисиз: нимага асосланиб бу йилни 2016 санаси билан белгилаймиз ва нега у йилнинг бошқа бир кундан эмас, балки айнан 1 январдан бошланади? Йилнинг бошланишини тантанали кўтиб олиш аънанаси қачон пайдо бўлган ва бу байрам ҳозирда дунёнинг турли бурчақларида қандай нишонланади? Бугун шулар ҳусусида сўз юритмоқчимиз.

Йилнинг бошланиши байрам билан кўтиб олиш тарихи жуда узок мезгилга — тахминан 25 асрлар олдинги замонларга бориб тақалади. Мазкур одат илк бора Икки дарё оралиги (Месопотамия)да вужудга келган. Уша ҳудудларда ва Нилнинг қуйи водийларида қадимда яшаган халқлар илк маданият (цивилизация)ни яратган. Бу ерларда илк маданият ўчоқларидан ҳисобланмиш Шумер, Бобил (Вавилон), Оссурия (Ассирия), Ақкад каби давлатлар вужудга келганки, улардан етиб келган бой маданий мерос ва буюк кашфиётлар ҳозиргача инсониятни лол қолдиради. Айни шу заминда, эрамыздан олдинги учинчи минг йилликда Янги йилни байрам сифатида илк бора нишонлашган. Аммо ўшанда бу байрам ҳозиргидек 1 январга эмас, балки март ойининг охирига тўғри келган. Чунки, йилнинг айнан шу вақтига келиб Дажла (Тигр) ва Фрот (Евфрат) дарёларида сув тўлиб оқа бошлаган ва деҳқончилик ишлари бошланган. Бу дегани — яна бир янги ҳосил йилнинг келиши деганидир. Шу сабабли мазкур паллада 12 кун давом этувчи ўйин-кулги, карнавал ва маскаралар уюштирилган. Бу байрам даврида ишлаш, жазолаш, маҳкамага тортиш ман этилган. Дарвоқе, «карнавал» сўзи бобилликлар тилида «кема-денгиз» маъносини беради. Бу бежиз эмас, чунки Янги йил байрами томошаларининг кўпчили-

ги бобилликлар афсоналаридаги илоҳ Мардукнинг Фрот дарёси бўйлаб сузиши тасвири билан бевоқиф алоқадордир. Навуходоносор (кўпчилик Шарқ манбаларида «Бухт-настр» дейилади) ҳукмронлиги даврида Бобил кўшини катта жангда яҳудийларни енгиб, ўз ерларига олиб кетганлар ва эллик йил давомида асирликда сақлаганлар. Айнан мана шу даврда яҳудийлар Янги йил байрами билан боғлиқ тантаналар сюжетларини ўзлаштирган. Бобилликлардан олинган Янги йилни тантаналар билан нишонлаш аънанаси кейинчалик яҳудийлардан юнонларга, улардан эса бутун Фарбий Европа халқларига тарқалган. Бугунги кунда юритилаётган йил ҳисоби, яъни янги эранинг бошланиши Исо пайгамбарнинг таваллудига қараб белгиланган. Буни «милодий» ёки «милоддан аввалги» сўзларидан ҳам англаш қийин эмас — «милод» арабчада «туғилиш» деганидир, яъни бу ерда Исо Масиҳнинг таваллуд санаси назарда тутилади. Янги йил байрами арафасида насроний (христиан) халқларида Рождество байрами ҳам нишонланиши бунга яна бир далилдир. Турфа халқлар турли замонларда Янги йилнинг кўтиб олиниши билан боғлиқ келишини нишонлашган, аммо улар ҳам ўзаро фарқ қилади. Масалан, Қадимги Мисрда бу байрамни ёзда, Нил тошқини пайтида нишонлашган. Қадимги Юнонистон (Греция)да бўлса, Янги йилнинг кўтиб оли-



лиши кундуз энг узун бўлган сана — 22 июнда байрам қилинган. Йил ҳисоби эса афсонавий Геракл шарафига уюштирилган машҳур Олимпия ўйинларига қараб юритилган. Қадимги римликлар экин ишлари бошланиши даврида, яъни 1 мартда Янги йилни кўтиб олишган. 1700 йилда Пётр I бу байрамни ва йилнинг бошланишини бошқа Европа мамлакатларида бўлгани каби 1 январга кўчирган. Шарқдаги кўпчилик халқларда Янги йил баҳорги кунтун тенглиги ҳамда экин ишларининг бошланиши палласида — 21 мартда бошланади. Бугунгача байрам сифатида нишонланиб келаётган Наврўз ўша даврлардан қолган бўлиб, бу сўз ҳам форсий тилларда айнан «Янги кун» деган маънони билдиради. Йил ҳисобининг бошланиши эса турли халқларда турлича. Мусулмонларда амал қиладиган ҳижрий-қамарий йил ҳисоби Ойнинг Ер атрофида айланиши даври билан боғланган бўлиб, Мухаммад пайгамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган йилидан бошланади. Йилнинг номланишида ҳам бу акс эт-

тирилган: «ҳижрий» сўзи «ҳижра» — «кўчиш» сўзидан олинган, «қамар» эса кўкдаги Ойни англатади. Ҳижрий-қамарий йилда 355 кун бўлгани сабабли йилнинг бошланиши ҳозирда бизда амал қиладиган календардан фарқ қилиб, ҳар йили 11 кун орқага сурилиб боради. Эронийларда юритилаётган ҳижрий-шамсий йил ҳисоби ҳам Мухаммад пайгамбарнинг кўчиш йилидан бошланади, аммо унда йил тартиби Ернинг Кўёш атрофида айланиши билан боғлиқ («шамс» — «Кўёш» дегани) бўлиб, баҳорги кун-тун тенглиги кун — 21 мартда кириб келади. Кўшимча тарзда таъкидлаб ўтиш ўринлики, мучал йили ҳам 1 январдан эмас, балки кўпчилик Шарқ халқларидаги Янги йил санаси — 21 мартдан ўзгаради. Бизнинг халқимизга 1 январнинг Янги йил байрами сифатида нишонланиши рус аънавалари билан бирга кириб келган. Аммо то 1949 йилгача собиқ Иттифоқда 1 январь санаси дам олиш кунини ҳисобланмаган.

Интернет материаллари асосида **Ҳамидбек ЮСУПОВ** тайёрлади.

ТУРФА ОДАТЛАР

Янги йилнинг кўтиб олиниши турли халқларда турлича одатлар ва иримлар билан боғлиқ бўлар экан. Эътибор беринг-а:

Италиялар Янги йил байрамини эски дазмол ва стулларни деразаларидан улоқтиришади. **Панамаликлар** имкон қадар баланд овозда шовқин солишади. Масалан, бақиршади, ҳуштак чалишади, машиналарда сигнал беришади ва ҳоказо. **Вьетнамда** бу байрам янада қизиқарли кечади — маҳаллий аҳолининг қадимий ақидаларига қара, Янги йил карп балиги елкасига мингашганча сузиб келар эмиш. Шу сабабли вьетнамликлар ҳар Янги йил арафасида тирик карп сотиб олиб, байрам кунини унинг ҳовуз ёки дарёга қўйиб юборишади. Байрам рамзи ҳам арча эмас, балки гуллаётган шафтоли новдаси бўлиб, кишилар шундай новдаларни ўз уйларига олиб қўйишади, бир-бирларига совға қилишади.



Япониядан бошланган. Кунчиқар юрт вақиллари бу байрам арафасида хаскаш сотиб олишади. Чунки айни хаскаш кириб келаётган йилда хона-

донга фаровонлик олиб келар эмиш. **Англияда** Янги йил кириб келадиган пайти — қоқ ярим тунда соат бонг уриши билан қилинадиган амаллар бор. Соатнинг биринчи бонгида инглизлар ўз уйларининг орқа эшикларини очиб, эски йилни «қузатиб қўйишади». Ун иккинчи бонг янграши билан уйнинг олд эшикларини очиб, Янги йилни кўтиб олишади. **Кубаликлар** мазкур байрам арафасида уйдаги барча идишларга сув тўлдириб қўйишади. Янги йил кириб келиши билан бу сувларни кўчага селишади, шу билан уларнинг барча гуноҳлари ювилиб кетармиш. Сайёрамизнинг жанубий яримшарридаги кўпгина мамла-

катларда Янги йилда арча эмас, балки эвкалипт даракларини безатишади. Ахир, бу пайтда у ерларда жазирама ёзнинг қоқ ўртаси бўлади-да! **Грецияда** хонадон бошлиғи Янги йил тунисида ёздан туриб, ўз уйи деворига анор мевасини улоқтиради. У деворга текканда ёрилиб, доналари қанчалик кўп ва узокқа сачраса, келадиган йил шунча омадли бўлишига ишонишади.

катларда Янги йилда арча эмас, балки эвкалипт даракларини безатишади. Ахир, бу пайтда у ерларда жазирама ёзнинг қоқ ўртаси бўлади-да!

катларда Янги йилда арча эмас, балки эвкалипт даракларини безатишади. Ахир, бу пайтда у ерларда жазирама ёзнинг қоқ ўртаси бўлади-да!

катларда Янги йилда арча эмас, балки эвкалипт даракларини безатишади. Ахир, бу пайтда у ерларда жазирама ёзнинг қоқ ўртаси бўлади-да!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлари номи:

1. «Фарғона вилояти Фарғона туманидаги тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (91 ўрилли туғуруқ комплекси ва бошқа объектлари мукаммал таъмирлаш ишлари)». Бошланғич нархи: 1 853 073 899 сўм ҚҚС билан; 1 544 228 249 сўм ҚҚС билан ва 1 478 388 849 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
2. «Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (150 қатновли кўп тармоқли поликлиника қурилиши ва бошқа объектлари мукаммал таъмирлаш ишлари)». Бошланғич нархи: 2 209 581 230 сўм ҚҚС билан; 1 841 317 691 сўм ҚҚС билан ва 1 766 589 361 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
3. «Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (95 ўрилли туғуруқ комплекси ва бошқа объектлари мукаммал таъмирлаш ишлари)». Бошланғич нархи: 1 999 816 758 сўм ҚҚС билан; 1 666 513 965 сўм ҚҚС билан ва 1 610 694 078 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
4. «Фарғона вилояти Данғара туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (250 қатновли кўп тармоқли поликлиника, 55 ўрилли болалар бўлими ва бошқа объектлари фойдаланишга топшириши билан)». Бошланғич нархи: 5 463 041 803 сўм ҚҚС билан; 4 552 534 836 сўм ҚҚС билан ва 4 403 694 772 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
5. «Фарғона вилояти Бағдод туманида 49-сонли янги мактаб қурилиши». Бошланғич нархи: 2 347 472 582 сўм ҚҚС билан; 1 956 227 152 сўм ҚҚС билан ва 1 880 604 190 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
6. **ЛОТ-1**
ЛОТ-1.1. «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 5-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (420 ўқувчи ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 1 723 247 062 сўм ҚҚС билан; 1 436 039 218 сўм ҚҚС билан ва 1 373 910 283 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.

7. **ЛОТ-2**
ЛОТ-2.1. «Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 10-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (9х18м спортзал ва 210 ўқув ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 1 225 881 170 сўм ҚҚС билан; 1 021 567 642 сўм ҚҚС билан ва 983 400 302 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
- ЛОТ-2.2. «Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 11-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (120 ўқув ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 705 987 768 сўм ҚҚС билан; 588 323 140 сўм ҚҚС билан ва 567 994 815 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
8. **ЛОТ-3**
ЛОТ-3.1. «Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 66-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (9х18м спортзал ва 80 ўқув ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 1 092 728 146 сўм ҚҚС билан; 910 606 788 сўм ҚҚС билан ва 873 117 262 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
- ЛОТ-3.2. «Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 62-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (210 ўқув ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 706 201 663 сўм ҚҚС билан; 588 501 386 сўм ҚҚС билан ва 567 850 729 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
9. **ЛОТ-4**
ЛОТ-4.1. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 33-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (210 ўқув ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 864 263 747 сўм ҚҚС билан; 720 219 789 сўм ҚҚС билан ва 698 243 732 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
- ЛОТ-4.2. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 9-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (315 ўқув ўрилли ўқув блоқи қурилиши билан)». Бошланғич нархи: 1 361 521 826 сўм ҚҚС билан; 1 134 601 521 сўм ҚҚС билан ва 1 085 912 720 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
10. **ЛОТ-5**
ЛОТ-5.1. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 12-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 1 033 094 695 сўм ҚҚС билан; 860 912 246 сўм ҚҚС билан ва 820 312 618 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.

- ЛОТ-5.2. «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 21-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 1 229 407 727 сўм ҚҚС билан; 1 024 506 439 сўм ҚҚС билан ва 977 656 632 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
11. **ЛОТ-6**
ЛОТ-6.1. «Фарғона вилояти Риштон туманидаги Агроевнат касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 752 769 640 сўм ҚҚС билан; 627 308 033 сўм ҚҚС билан ва 601 110 785 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
- ЛОТ-6.2. «Фарғона вилояти Кува туманидаги Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 740 279 129 сўм ҚҚС билан; 616 899 274 сўм ҚҚС билан ва 593 890 774 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
- ЛОТ-6.3. «Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи биносини мукаммал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 499 323 513 сўм ҚҚС билан; 416 102 927 сўм ҚҚС билан ва 397 300 365 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
12. **ЛОТ-7**
ЛОТ-7.1. «Фарғона вилояти Фурқат туманидаги Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш». Бошланғич нархи: 1 149 027 303 сўм ҚҚС билан; 957 522 752 сўм ҚҚС билан ва 891 174 185 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.
- ЛОТ-7.2. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Енгил саноат ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ишлари (ўқув устaxonасини реконструкцияси)». Бошланғич нархи: 824 474 343 сўм ҚҚС билан; 687 061 953 сўм ҚҚС билан ва 647 993 017 сўм ЯИТ ва ҚҚС билан.

манбалар ҳисобидан молиялаштирилган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилар.

Танлов савдосида фақат Давлат республика киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўқаш объектларини қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қиймати-нинг камиди 20% миқдориди айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда курсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: 0 373-244-68-90,998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кунни ва вақтига-ча қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (кунни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) **Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй** манзилда ўтказилади.

Reklama



Бахт йили, шодлик йили

➤ Миннатдорлик

Куни кеча адоғига етган 2015 йил оиламиз учун жуда-жуда қувончли йил бўлди. Чунончи, "Камолот" уйларида бирининг калитини оиламизга топширишди. Уй ўзиники бўлгани қанчалар яхши.

Ижара уйда яшаш, ҳар оининг охирида ижара ҳақини тўлаш, баъзан кечикиб қолганда, уй эгасидан дакки эшитишнинг "мазасини" тотган одам буни янада яхшироқ аңглайди, назаримда.

Қизимиз уч ойлик чақалоқ пайтида биз ижарада яшаётган уй икки қаватли "дом" эди. Айни қиш кунларидан бирида иссиқ сув қувури ёрилиб, уйимизга ҳам сув кирганди. Хавфсизлик юзасидан, деворлари қуриши керак, деб электр токини ҳам ўчиришларига тўғри келди.

Бугун янгича шароитлар яратилган, барча қулайликларга эга ҳозирги хонадонимизга қараб кўзим қувнайди. Ахир ижарада турганимизда турмуш ўртоғим илмий ҳам қийналган эди-да. Эндилликда ижара ҳақи тўлаш ташвишидан ҳам қутулдик. Беихтиёр отамнинг "Телевизорда кўрялман. Иқтидорли болаларни, сизларга ўхшаган юрагида ўти бор ёшларни Юртбошимиз қўллаб-қувватлапти. Уларга ишонч билдирапти. Сизларга ҳам янги уй насиб

этса, ажабмас. Фақат бунга муносиб бўлиш керак, болам", деган сўзларини эслаймаман.

Отам яна ишонч билан бир гапни уқтирдилар: "Ахир Юртбошимизнинг ўзлари меҳр билан: "Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг — болаларим, менинг фарзандларим!" демоқда. Бир катта элнинг раҳбаридан бундайин ғамхўрлик бўлиши мумкинлиги бизнинг авлодимизнинг тушига ҳам кирмагани. Шунинг учун мен сизларни энг бахтли авлодсизлар, дейман-да. Фақат бундайин ғамхўрликка, бундайин эътиборга астойдил меҳнат, интилиш, изланиш, дунёга ўзларингиз, ўзликларингиз намоён қилиш билан жавоб беришларинг шарт, болам".

Отам берган ўғитлардан кўнглим кўтарилиб, шаҳарга қайтардим. Кунларнинг бирида ишга эрталоқ келдим. Телефоним жиринглади. "Камолот" ЁИХ вакили экан. "Сизларга уй ажратилди", деб табриклади. Индинга калит топшириш маросими ўтказилишини айтди...

Отам берган ўғитлардан кўнглим кўтарилиб, шаҳарга қайтардим. Кунларнинг бирида ишга эрталоқ келдим. Телефоним жиринглади. "Камолот" ЁИХ вакили экан. "Сизларга уй ажратилди", деб табриклади. Индинга калит топшириш маросими ўтказилишини айтди...

дан кўнглим кўтарилиб, шаҳарга қайтардим. Кунларнинг бирида ишга эрталоқ келдим. Телефоним жиринглади. "Камолот" ЁИХ вакили экан. "Сизларга уй ажратилди", деб табриклади. Индинга калит топшириш маросими ўтказилишини айтди...

Янги уйга кўчиб кирдик. Биз энг бахтиёр оила бўлдик. Ишга зўр иштиёқ билан бориб-келамиз. Юмушимизга ҳам унум, оиламизга барака кирди. Уйимиз баланд, гўзал, унда замонавий меъморлик услублари мужассам, хоналар ёруғ ва шинам.

Билимларимизни бойитиш, илмий иш билан шуғулланиб, ажойиб ютуқларга эришиш, иқтидорли тенгдошларимиз қатори эл-юртимиз учун ҳалол меҳнат қилишнинг бебаҳо имконлари мўжайё. Бизга бекиёс ғамхўрлик кўрсат-

ган Юртбошимиздан чексиз миннатдоримиз!

Бу фақатгина мен ва турмуш ўртоғимнинг кўнглимиздан ўтаётган фахр туйғулари эмас, шундай уйларида яшаётган ҳар бир ёш оила аъзоларининг қалбларини тўлдирган миннатдорлик сўзларидир. Кўзларимизда қувонч, кўнглимизда фахрият билан, бошимизни баланд кўтариб олдинга интилишда давом этаймиз. Миллатимизнинг фахри ифтихорларига айланадиган ёшлар шу "Камолот" уйларида камол топишига ишончим комил.

Президентимизнинг чин юракдан айтилган бир ҳикматли гапини биз дегарли ҳар куни оиламизда эслаб тураемиз: «Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий билим ва тарбия ола-

ётган, эндигина кучга кирраётган ёшларимиз, фарзандларимиздир». Шубҳасиз, бу биз ёшларга нисбатан жуда катта ишонч ифодасидир.

Янги йилнинг биринчи кунинда, Президентимиз оиламиз учун ажратган шинам хонадонда ўтириб, оддий журналист сифатида кўнглимизда туйғулари қозоғга туширарканман, журят билан таъкидлашни хоҳлардимки, биз ёшлар ҳам ўз Президентимизга, ўз етакчимизга мутлақо ишонаемиз. Биз бундай бағрикенг, сароҳатли, меҳрибон раҳбар билан буюк келажагимизни, албатта, бунёд этаемиз! Зеро, ишонч билан бу гапни айта олишимиз учун бугун биз ёшлар ҳамма асослар етарли.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
журналист

Иқтидорли талабалар

вазирлик стипендиясига эга бўлади

➤ Янгилик

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқишда, ижтимоий ҳаётда, илмий изланишларда мувоффақиятларга эришаётган ёшлар учун махсус стипендиялар жорий этилган.

Мақсуд стипендияга сазовор бўлиш учун талабаларнинг фанларни ўзлаштиришдаги юқори кўрсаткичлари, олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари, танловларда ташаббус кўрсатганликлари ҳамда намунали хулқи ва интизомлари инобатга олинади.

Тошкент шаҳридаги Инха университетининг расмий вебсайти www.inha.uz ёзилишича, яқинда ушбу олийгоҳда тахсил олаётган икки нафар иқтидорли талаба — Муҳаммадхон Тошпўлатов ҳамда Шерзодбек Абдурасуловлар ҳам вазирликнинг стипендиясига сазовор бўлган талабалар рўйхатидан ўрин эгаллаган.

— Мен бу хушхабарни Наманганда эшитдим, ҳозир барча имтиҳонларни топшириб, таътилга чиқиш арафасидаммиз, — дейди университетнинг 2-босқич талабаси Муҳаммадхон Тошпўлатов. — махсус стипендия олишим ҳақидаги хабардан оила аъзоларим жудаям хурсанд бўлишди. Ота-онам яхши ният, катта умид билдиришиб, энди бу ишонччи оқлашим кераклигини таъкидлашди. Ахир, вазирлик томонидан бериладиган стипендия катта масъулият юклайди. Мен бу ишонччи оқлаш учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

Иқтидорли талабаларнинг муносиб рағбатлантирилиши уларнинг илм-фан сир-синоатларини янада чуқур эгаллашларига, янада юксак марраларни илгари суришга хизмат қилиши мўқаррар.

Бобур ТУНГАТОВ,
«Adolat» мухбири

ИПОТЕКА BANK

“Ипотека-банк”
жамоаси

барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил билан табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз.

Янги йил барчангизга бахт, омад ва қувонч олиб келсин.

Хизматлар лицензияланган

“Микрокредитбанк”
АТБ жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини
Янги йил билан муборакбод этади.
2016 йилда Ватанимиз тараққий этиб,
равнақ топаверсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини тилаб,
қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

- “Талаб қилиб олингунча”
- “Аёл қувончи”
- “Обод юрт”
- “Имконият”
- “Капитал”
- “Қулай”
- “Антиқа”
- “Болажон”

Тел.: 99871 202-99-99

www.mikrokreditbank.uz Хизматлар лицензияланган

“Микрокредитбанк” сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:


Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев
Навбатчи — Суяндик Мамиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалда оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



1 2 4 5 6